

Эрон оммавий ахборот воситалари:

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИККИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 июнь куни Эрон Ислом Республикасига расмий ташрифи ушбу мамлакатнинг етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда таҳлил ҳамжамияти томонидан кенг ёритилаётир.

Биз ва жаҳон

Хусусан, мазкур давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизнинг замонавий ривожланиши ва Эрон — Ўзбекистон муносабатларига бағишланган туркум таҳлилий мақолалар эълон қилинди.

“**Tehran Times**” газетасида чоп этилган мақолаларда Ўзбекистон бугун тубдан ўзгаргани алоҳида таъкидланган. Давлат раҳбари томонидан жамият ҳаётининг барча жабҳасини модернизация қилишга қаратилган, узоқ муддатли истиқболда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган кенг қўламли ҳамда ўзаро боғлиқ ислохотлар мажмуи ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар 2021 йилгача мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган. Ислохотлар “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” таъминлига асосланади. Шунингдек, мақолаларда 2023 йил 1 майдан кучга кирган мамлакатнинг янгиланган Конституциясининг асосий қоидалари чуқур таҳлил қилинган.

Газетада, шунингдек, Эрон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзолангани ҳақидаги маълумотлар ҳам

муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган. Нашрда Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг расмий Техроннинг қўшни давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришига ҳеч қандай тўсиқ йўқ, Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш эса икки халқ манфаати учун хизмат қилади, деган сўзлари иқтибос сифатида қаламга олинган.

Ушбу газетада чоп этилган навбатдаги “**Фаровон келажак учун қайта туширинг**” сарлавҳали мақолада Ўзбекистон Президентининг Эрон Олий диний раҳбари Оятуллоҳ Сайид Али Хоманей билан учрашуви тафсилотлари қаламга олинган.

“Али Хоманей Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги мисли кўрилмаган тарихий, маданий ва илмий алоқаларни таъкидлаб, ушбу умумий асослардан турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш учун фойдаланиши зарурлигини таъкидлади”, деб ёзилади нашрда.

Газетада Ўзбекистон етакчисининг “Умид қиламизки, Техронда бўлиб ўтган музокаралар туфайли биз муҳим қадамлар ташлаб, савдо, транспорт, фан-техника ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни муносиб даражага кўтарга оламиз”, деб айтган фикрлари ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Эроннинг марказий босма нашрларидан бири “**Iran Daily**” газетасида босилган мақолада, Ўзбекистон ташқи сиёсатида жиддий ўзга-

ришлар рўй бергани, конструктив халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, хорижий мамлакатлар, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилгани алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғи Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришдаги тўб ўзгаришлардир, дейилади нашрда.

“Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида очиқ ва ишончли сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш натижасида сув ресурсларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, чегара ҳудудларини делимитация ва демаркация қилиш каби кўплаб мураккаб муаммоларга ечим топилди”, деб ёзади газета муҳбири.

Давлатимиз раҳбарининг Эронга расмий ташрифи “**Newspaper Iran**” газетаси томонидан ҳам кенг ёритилди. Жумладан, ушбу газетада эълон қилинган мақолада ёзилишича, Ислом инқилоби етакчиси узоқ танаффусдан сўнг икки давлат ўртасидаги муносабатлар жонланаётганидан мамнун эканлигини таъкидлаган. Эрон Туркманистон ва Афғонистон орқали Ўзбекистонни денгиз билан боғлаш имкониятига эга.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон — Эрон учрашувида савдо, инновациялар ва юқори технологиялар, сармоа, саноат кооперацияси, транспорт ва коммуникациялар, туризм ва ма-



даний-гуманитар алмашинув каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалий қадамлар белгиланди.

Газетада қайд этилганидек, ташриф давомида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Эрон Миллий стандарт ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Технологиялар ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳаракатлар режаси сингари муҳим ҳужжатлар имзоланди.

“Шунингдек, Спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси, Низоларни ҳал этиш ва арбитраж тўғрисида ағлашув меморандуми, Қайта сугурталаш соҳасида ҳамкорлик бўйича факультатив битим ва бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди”, дейилади манбада.



2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамишнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг. ➡➡

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ВАЗИРЛИКЛАРГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Хабар берилганидек, куни кеча бўлиб ўтган парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор долзарб қонун лойиҳалари билан бирга, Ёшлар сиёсати ва спорт ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларига тааллуқли йўналишларга оид масалалар юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чеklangан ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши учун зарур шaroитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш, иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларни спорт турлари-га йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Паралимпия спорт турларини ҳар томонлама ривожлантириш ва оммалаштириш, ушбу спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, спорт таълим муассасалари-

да фаолият юритаётган паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш мақсадида саломқили ишлар қилинди.

Ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентнинг соҳага доир бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган аниқ дастурлар амалиётга жорий этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ижросига оид давлат дастурларида соҳада давлат сиёсатини амалга оширишнинг мақсадлари, вазифалари ва узоқ муддатли ривожланишнинг асосий йўналишлари белгиланди.



Сенат ялпи мажлиси олдидан



ИСЛОХОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРИШИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, бугун Олий Мажлис Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Унинг кун тартибидан мамлакатимизда олиб бoрилаётган кенг қўламли ислохотларга янгича суръат бeриши кутилаётган қатор масалалар ўрин эгаллаган бўлиб, улар парламент юқори палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда таҳлилдан ўтказилди.

Раҳбарлар жавобгарлигини оширади

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун Ҳисоб палатасининг фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш, унинг бюджет маблағлари устидан тизимли назорат ўрнатиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

У билан Давлат бюджети

маблағлари мақсадли сарфланишини таъминлаш, раҳбарлар жавобгарлигини ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча қоидалар киритилмоқда. Жумладан, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари, белгиланган тартибда очилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш аниқланган тақдирда Ҳисоб палатаси томонидан маъмурий жаримага тортилиши белгиланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси бугун — 2023 йил 22 июнь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоҳа тарзида жорий йилнинг 22-23 июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб бoрилади.

Мулоқот

БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева дипломатик миссияси якунланаётган БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижалари, кўтарилган масалаларнинг муваффақиятли якунланиши билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр алмашилди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистоннинг энг муҳим халқаро ҳамкорларидан бири. Бу нуфузли ташкилот мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб қўллаб-қувватлаган ва кўплаб йўналишларда биз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг қатор таркибий тузилмалари, хусусан, Тараққиёт дастури билан доимий ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ва бу жараён узлуқсиз давом этмоқда. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес учун қулай

шарт-шaroитлар яратишда ҳукуматни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият олиб бoраётгани халқимиз манфаатига хизмат қилмоқда.

Сенат Раиси Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб, минтақавий даражадаги ҳамкорлик кенгайгани, кўплаб концептуал лойиҳалар рўёбга чиқарилгани, муҳим қарорлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Хусусан, М. Димовсканинг Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасига тўхталиб, унинг бевосита кўмағида мамлакатимизнинг барча ҳудудида қатор йирик тадбир ва лойиҳалар амалга оширилганини, экология, қишлоқларни ривожлантириш, БРМга эришиш, гендер тенглик ва

Фикр

КАМБАҒАЛЛИККА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА ОҚИЛОНА ЙЎЛИ

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 9,2 фоизи ёки қарийб 719 млн. нафар киши қашшоқликда кун кечиради. Ачинарлики, камбағал қатламнинг учдан икки қисми болалар ва ёшларни ташкил этади. Шу боис ҳам камбағалликни бартараф қилиш дунёдаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатини талаб этади.

2000 йилда қабул қилинган БМТнинг Минг йиллик декларациясида ҳамда 2015 йилда имзоланган Барқарор ривожланиш мақсадлари дастурида камбағалликни қисқартириш масаларига устувор аҳамият берилган. Хусусан, 2030 йилга бoриб ўта қашшоқликни тугатиш барқарор ривожланиш кун тартибининг асосий мақсади ҳисобланади.

Гарчи дунё ҳамжамиятининг олиб борган саъй-ҳаракатлари туфайли 2015 — 2018 йилларда глобал қашшоқлик кўрсаткичини 10,1 фоиздан 8,3 фоизга камайтиришга эришилган бўлса-да, COVID-19 пандемияси, табиий офатлар, иқтисодий ўсишнинг секинлашуви камбағаллик даражасининг ошишига олиб келди.

Камбағаллик фақат ривожланмаган, қолоқ давлатларда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам мавжуд. Масалан, АҚШда

аҳолининг 11,6 фоизи, яъни 37,9 миллион киши, Буюк Британияда 14,4 миллион нафар аҳоли камбағалликда яшайди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда аҳоли ўртасида камбағаллик ва ишсизликни тугатиш бўйича изчил иш олиб бoрилаяпти. Юртимизда кўп йиллар давомида камбағаллик ёпиқ мавзу бўлиб, ушбу муаммага ечим излаш ўрнига унинг мавжудлигини тан олишга ҳам йўл қўйилмади.

Бугунги кунга келиб эса, Ўзбекистонда камбағаллик муаммосини ҳал этиш ижтимоий сиёсатда алоҳида ўрин эгаллайди. 2020 йилда Ўзбекистон тарихида илк бор “камбағаллик” тушунчаси мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига таъсир этадиган жиддий муаммо сифатида эътироф қилиниб, мазкур йўналиш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий масалаларидан бирига айланди.



ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК ВА ИШОНЧ РИШТАЛАРИ

Шу йил 6 июндан 30 июнга қадар Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙга аъзо давлатларда ушбу халқаро ташкилотнинг 30 йиллиги муносабати билан юбилей тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ҳам шу муносабат билан тантанали тадбир ва концерт дастури ташкил этилди. Тадбирда янраган Ўзбекистон Президентининг байрам табриғи катта қувонч ва ҳаяжон билан кутиб олинди.

Қуйида тадбир иштирокчиларининг дил сўзларини, фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Дил сўзи

Султон РАЕВ, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ Бош қотиби:



— ТУРКСОЙ бугунги кунда жаҳонда ўз нуфузи ва обрўсига эга бўлиб бoраётган, унинг ҳамкорликка қаратилган эзгу ғояси дунёда тобора долзарб касб этаётган ташкилотдир. Айниқса, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти ва унинг ҳузуридаги муассасаларга аъзо бўлиши, фаолиги қўшни ва қардош давлатлар билан самимий, дўстона, ўзаро биродарлик, яхши қўшничиликка, ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларни йўлга қўйишда муҳим асос бўлмоқда. Бу жиҳатлар туркий тили дав-

латларнинг ўзаро ҳамкорлигини мисли кўрилмаган тарзда янги босқичга олиб чиқиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилаётган маданият кунлари иштирокчиларига йўллаган байрам табриғини катта қизқиқш билан тингладим. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу табриғида ўзаро манфаатли муносабатларга конструктив, уйғун ёндашув яна бир қарра намоён бўлди.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб кирганидан сўнг барча соҳа сингари ТУРКСОЙ фаолияти доирасидаги алоқалар ҳам янги босқичга кўтарилгани табриқда яна бир бор эътироф этилди. Хусусан, аъзо давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда туркий мамлакатлар маданияти ва санъати кунлари, ёшлар ва театр фестиваллари, ижодий форумлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.



ЕРГА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАРАЖАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Маълумки, ер қонунда назарда тутилган ва ундан оқилона фойдаланишни ҳамда уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида хусусий мулк бўлиши мумкин. Ҳўш, бу борадаги ҳолат амалда қандай эди?

Мушоҳада

Сир эмаски, мамлакатимизда ер умуммиллий бойлик сифатида қайд этилган бўлса-да, шу пайтгача ундан келадиغان фойдадан кўпинча мансабдор шахслар баҳраманд бўларди ҳолос. Дангалини айтганда, амалда ердан фойдаланиш билан боғлиқ турли ноқонуний ҳолатлар кўпайиб кетганди.

Ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, кейинги йилларда бу йўналишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунга аққол мисол сифатида туман ҳокимлари томонидан ер ажратиш тўхтатилиб, бу ишлар фақат аукцион орқали амалга оширилиши йўлга қўйилганини келтириш мумкин. Айни чоғда ерлар электрон онлайн аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида ажратила бошланди.

Қолаверса, очик электрон танлов орқали қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш ҳуқуқини кўлга киритган шахсларга ўша ҳудуд ҳокими тасдиғи талаб этилмайдиган бўлди.

Шунингдек, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланганларни ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш масъулияти Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига юклатилди. Кадастр агентлиги органлари ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаган тақдирда, ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ҳақида судга даъво аризаси киритади.

Бу каби меъёрлар 2022 йил 6 июнда қабул қилинган "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъ-



минлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим аҳоли қатламлари учун бир қатор кафолатлар белгиланди. Хусусан, ногиронлиқ бўлган шахслар ва улар oilаси электрон онлайн аукционлардан ер участкаларини сотиб

олиши билан боғлиқ харажатлар давлат томонидан қоплаб бериладиган бўлди.

Ерни хусусий мулк сифатида эътироф этиш бўйича ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Бу ҳозирда ерга нисбатан мулк муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилаётганлигини айтиш зарур. Ўз навбатида, бу юртимизда янги авлод мулкдорлар қатлами кенгайишига, ер билан боғлиқ бозор ривожланишига, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича самарадорлиқнинг ошишига олиб келганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Шу билан бирга, ердан фойдаланиш жараёнига бозор механизмларини жорий этиш, бу йўналишда мулк ва ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш, ер эгаларининг мулк ҳуқуқларини кафолатлаш мамлакатда бозор механизмлари ишлашига ҳуқуқий замин яратди.

Эътиборлики, бу каби ўзгаришлар янги тахрирда қабул қилинган Консти-

туциямизнинг 68-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Унга кўра ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофаза-сидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Бу эса ердан фойдаланиш борасида бозор механизмларини жорий этишга йўл очди. Мазкур норманинг амалиётда қўлланилиши мулкдорларга, хусусан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига уларнинг ерга бўлган мулк ҳуқуқини конституциявий даражада мустаҳкамлашга имкон яратгани билан ҳам диққатга сазовордир.

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

КАМБАҒАЛЛИККА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ ЭНГ Тўғри ВА Оқилона йўли



Охиригача йилда мамлакатимизда бевоқиф камбағалликни қисқартиришни институционал асослари яратилиб, уни қисқартириш масалаларини мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказлар ташкил қилин-

ди. Хусусан, камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий этилиб, молиявий инструменти, инфратузилма масалалари ҳал қилиниши натижада ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 трлн. сўм кредит ва 1,5 трлн. сўм субсидиялар ажратилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар туфайли биргина ўтган йили 1 млн. нафар, 2023 йилнинг биринчи чорағида 210 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилди. Учта "дафтар" ва "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" орқали 2 млн. 300 минг муҳтож оила, хотин-қиз, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган ватандошларимиз моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинди.

Маҳаллаларда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли инстиутга фаолияти йўлга қўйилиши ҳам ҳудудларда ўз самарасини бермоқда.

Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор туфайли ўтган йилда 200 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. 10 мингта корхонанинг фаолияти кенгайтирилган бўлса, 11 мингта корхонанинг қуввати тикланди. Минг-минглаб ёшлар, хотин-қизлар бандлиги таъминланди, даромад манбаига эга бўлди. Натижада одамларнинг қайфияти, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, норасмий бандлик улushiни қисқартириш, шунингдек, ўзини ўзи банд этган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг имзоланиши бандлик соҳасида катта ўзгаришларни бошлаб берди.

Албатта, камбағалликни ойлик маош ёки нафақа миқдорини ошириш, одамларга кредит бериш билан қисқартириб бўлмайди. Бу бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Алоҳида тадбиркорлик руҳини ўйғотиш, янги иш ўринлари яратиш орқали бандликни таъминлаш камбағалликка барҳам беришнинг энг тўғри ва оқилона йўлидир.

Шу маънода, янги-янги корхоналарнинг ишга туширилиши, тадбиркорлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, одамлар бизнесни бошлаши учун зарур шароитлар, имкониятлар яратилаётгани бандликни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётди. Бу, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни хорижга иш қидириб кетишдек таъшишли муаммодан қутқаряпти.

Бу борадаги манзилли ишлар натижасида биргина 2022 йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу халқчил саъй-ҳаракатлар ҳар бир инсоннинг қаредга яшаши ва ишлашидан қатъи назар, қадр топиши, фаровон яшаши, муруд-мақсадига етиши учун амалга оширилаётганини бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида ҳис қилмоқдамиз.

Умуман олганда, ўтган тарихан қисқа даврда мамлакатда олиб берилаётган ислохотлар туфайли эришилган натижалар ҳақида узоқ гапирish мумкин. Бу янги иш ўринлари яратилиб, минг-минглаб оилаларга даромад, борака кираётганида, халқимиз давлатдан рози бўлиб бахтиёр яшаётганида намоён бўлмоқда.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

ДўСТЛИК, ҚАРДОШЛИК ВА ИШОНЧ РИШТАЛАРИ



Ташкилот доирасидаги илмий-маърифий анжуманлар, туркий тиллар ва адабиётлари ривожига бағишланган халқаро конференцияларда турли мамлакатлар олим ва ижодкорлари фаол қатнашмоқда. Ана шу ҳамкорлиқнинг амалий самараси сифатида юртингизда "Туркий адабиёт дурдоналари" деб номланган 100 жилдлик китоблар туркуми нашр этилгани, унга Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон ва Венгрия давлатларидан жами 450 дан зиёд мумтоз ҳамда замонавий шоир, адиб ва мутафаккирларнинг асарлари киритилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган намоёндаларини рағбатлантириш мақсадида буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро муқофот таъсис этилгани ТУРКСОЙ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу, ҳақиқатан ҳам, буюк шоирга, туркий оламнинг ягона маданияти, гуманитар, лисоний, қисқача айтганда, цивилизация маконига айланishiга беқийс ҳисса қўшган ноёб тарихий шахсга бўлган эътиромдир. Шах-шубҳасиз, Алишер Навоий номидаги халқаро муқофот туркий дунёдаги энг обрўли муқофотлардан бирига айланади.

Адил КАРИМЛИ,
Озарбайжон Республикаси
маданият вазири:



— Ўзбекистон Президентининг тадбир иштирокчиларига табриғида ҳар доимгидек қизиқарли гоёлар ва амалий ташаббуслар ўрин олган. Хусусан, 2023 йилда буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг 1050 йиллик, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 540 йиллик таваллуд саналарини нишонлаш режалаштирилаётгани айтиб ўтилди. Биз ушбу тадбирларнинг юксак савияда ўтишига ишонамиз ва уни мамнуният билан қўллаб-қувватлаймиз. ТУРКСОЙ аъзолари умумий маънавий қадриятлар, ҳамкорлик ришталари ва туркий

халқлар тилларининг ўхшашлиги ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишига амин.

Шу кунларда ТУРКСОЙнинг юбилей тантаналари кенг нишонланмоқда. Олмаотадан бошланган байрам тўлкини Бишкекдан куч олиб, Тошкентга етиб келди. Умумий тил ва муштарак қадриятлар бирлиги асосида шаклланган Халқаро туркий маданият ташкилоти доирасида бугунги кунда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Таъкидлаш жоизки, туркий тилли халқларнинг маънавий қадриятлари ва тарихий-маданий меросини халқаро даражада сақлаш, ўрганиш ва оммалаштиришда ТУРКСОЙ муҳим ўрин тутди. Айни пайтда ушбу тузилма тили, маданияти, анъаналари, тарихи, ҳаёт тарзи муштарак халқлар учун ўзига хос мустаҳкам ва ишончли маънавий қўриққа айланиб улгурди.

Бугун тобора глобллашиб бораётган дунёда турли хатар ва таҳдидларнинг олдини олишда, халқлар ўртасидаги дўстлик, аҳиллик, яхши қўшничилик, ҳамжихатлик алоқаларини тобора мустаҳкамлашда фаолиятининг асосини эзгулик, маърифат, ҳамкорлик каби олийжаноб гоёлар ташкил этувчи ТУРКСОЙ тузилмасининг ўрни ва аҳамияти ўзига хос бўлмоқда. Унинг платформасида ўтказилаётган ижодий лойиҳалар, фестиваллар, танловлар, форумлар, йирик анжуманлар илдишлари умумбашарий эзгу гоёлардан сув ичган халқларни ягона мақсад сари бирлаштирмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топти. Шубҳасиз, тарихи, тили ва дини, урф-одат ва анъаналари, бугунги орзу-интилишлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустаҳкамлашда ТУРКСОЙнинг улкан ўрни ҳамда аҳамияти борлигини эътироф этамиз. Зеро, ҳозирги кунда оламда шиддат билан кечаётган зиддиятлар, қарама-қаршиликлар барчамиздан сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик билан бирга, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, адабиёт, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт сингари муҳим соҳаларни ривожлантириш борасида биргаликда ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Нуркиса ДАУЭШОВ,
Қозоғистон Республикаси
маданият ва спорт вазири
ўринбосари:

— Ташкилотимиз кенгайиб, мустаҳкамлашиб бормоқда. Унга аъзо давлатлар турт йил олдин 4 та эди, ҳозирда эса 7 та бўлди. Бу эса дунёдаги мустақил ва суверен туркий давлатларнинг бугун бир ташкилот қаноти остида бирлашаётганини англатади.



Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўтказилаётган ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилей маросимлари нафақат туркий халқларимизга, балки бутун жаҳонга туркий дунёнинг мустаҳкам бирлиги ҳақидаги хабарни берди. Туркий дунё бир бутун, ягона кўринишда ва яхлит эканини намоён этмоқда.

Туркий миллатларнинг маънавий бирлигини таъминлаш, муштарак қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, умумий бойлигимиз бўлмиш ноёб тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли маданий-гуманитар дастурлар амалга ошириб келинмоқда. ТУРКСОЙ томонидан ўтказилаётган йирик анжуманлар маданият ва санъат соҳасини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш билан бир қаторда, халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани эътиборга моликдир. Жумладан, ўтган давр мубайнида Остона, Туркистон, Эскишаҳар, Кастамону, Бурса, Қозон, Мари, Шеки, Ўш ва Хиванинг "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилингани ушбу қадимий ва гўзал шаҳарларимизнинг шон-шўхратини янада оширди, десаек, айни ҳақиқат.

Кейинги йилларда ўзаро маданий алоқалар қўлами янада кенгайди, янги ташаббуслар сони ва сифати ўсди. Албатта, бу жараёнда Ўзбекистоннинг иштироки муҳим бўлмоқда. Жумладан, ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда яна қатор нуфузли халқаро тадбирлар ўтказилди. Хусусан, жорий йилда Гулистон шаҳрида III халқаро бахшчилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида Турк дунёси талабалар халқаро театр фестивали ҳамда Марғилон шаҳрида "Буюк Ипак йўли" халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Айни чоғда ТУРКСОЙ юбилей тантаналари доирасида қардош Ўзбекистонда Қозоғистон маданияти кунлари муваффақият билан ўтказилаётганини таъкидламоқчиман. Бундай тадбирлар иттифоқчилик муносабатларига эга мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ришталарнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Иқлим



САРАТОН САХОВАТИ

Кеча юртдошларимиз табиатнинг гаройиб ҳодисасига гувоҳ бўлди. Яъни Қуёш максимал — 23,5 даража оғишли юқори нуқтада гўёки тўхтаб қолди. Бу фанда "ёзги қуёш туриши", дея изоҳланди.

Мирзо Уллубек номидаги Астрономия институти кузатувларига қараганда, 21 июндан Шимоллий яримшарда астрономик ёз бошланади. Шу боис экватордан пастда жойлашган ҳудудларда одамлар йилнинг энг узун кунига гувоҳ бўладилар. Кун узунлиги 15 соату 10 дақиқани ташкил этди.

Қизилқи, йилда бир марта кузатиладиган ушбу ҳодиса дунёнинг кўпгина халқларида байрам сифатида кенг нишонланади. Массалар, Финляндия ва Швецияда дам олиш кuni, деб эълон қилинган.

Юртдошларимиз ҳам бу кунни ўзгача кайфиятда қарши олишга интиладилар. Сабаби, бугундан деҳқончилик тақвимида кўра, саратон оғи киради. У шамсий йил тақвимидаги туртинчи оғи бўлиб, 22 июндан то 22 июлгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу паллада Қуёш Шимоллий яримшарнинг энг юқори нуқтасига кўтарилиб, заминни беаёв қиздиради. Йилнинг энг иссиқ кунлари шу пайтга тўғри келгани боис саратон тигига дош бериш қийин. Тирик жон борки, офтоб тик кўтарилиши билан ўзини соя-салқин жойга олади. Ахир саратон иссигининг таъсирчанлиги бошқача-да. Зумда офтоб уриши ёки терини қуйдириши мумкин.

Саратон тафти қанчалик ўткир бўлмасин, унинг шифобахш хусусиятлари ҳам бисёр. Зеро, халқ таъбаотида айрим касалликларни табиий қум ва туپроқ билан даволаш мулоҳазалари йилнинг фақат айни шу палласидагина амалга оширилади. Қолаверса, саратонда чиниққан инсонлар иммунитетини ошиб, айниқса, қиш соғуқларига чидамли бўлади. Яна бир аҳамиятли томони, синган суяклар айнан саратон оғида тугал битиб, унинг асоратлари қолмас экан...

Қуёш Эгизаклар юлдуз туркумидан Қисқинбақа юлдуз туркумига ўтган, марказий ёриткичининг оғиши аста-секин оғиш боради. Натижада кунлар қисқариб, туңлар узая бошлади. Бу ҳол юртимизда ёз чилласи киргач, аникроғи, 25 июндан аққол сезила бошлади. Ҳисобдонлар таъбири билан айтганда, ана шундан сўнг тоңлар совиқди. Бу — кундузи жазирама қанчалик заботига олмасин, кечалари нисбатан салқин бўлади, дегани.

Халқимизда "Саратонни иссиқ деб ётма, қўлингдан нақдингни йўқотма", деган пурмаъно ҳикмат бор. Бундан англашиладики, қишлоқ ҳўжалигидаги энг масъулиятли ва машаққатли мавсум энди бошланди. Шу кунларда ғарқ пилган мева-чева ва ғаллани йиғиштириб олиш борадида, тақоррий экинлар экишга киришилади. "Саратон сара экиш, қолаверса, тариқ экиш" деган ҳикмат шунга ишоради.

Тақрибани деҳқонларнинг айтишича, саратон оғидаги энг муҳим агротехника тадбир сугоришидир. Ахир "Саратонда сув қўй, асадда тек қўй" деб бекорга айтилган. Бу пайтда қишлоқ ҳўжалиги экинлари, айниқса, гўзани обихаётга қондириш керак.

— Ҳозирги иссиқ кунларда гўзани қанчалик қўйиш ярамайди, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдуқодир Чориев. — Экин сувга қондирилиб, бошқа агротехника тадбирлари ҳам сифатли бажарилса, саратон иссиғи гўза учун бамисоли малҳам бўлади. Танасига синган фойдали ҳарорат ҳосилни салмоқдор қилади. Шунинг учун республикаимизда фаолият юритаётган 134 та пахта-тўқимачилик кластери ва улар билан ҳамкорликда ишлаётган фермерларга саратонда гўза парваришига алоҳида масъулият билан ёндашиб, шу қатори қанқатмасдан, обихаёт билан қўллатмасдан тўғийтириш бўйича тавсиялар берилмоқда. Негаки, сугориш кечикса, экинга зарар. Мабодо, бу юмуш эрта бажарилса, обихаёт исроф бўлади. Кейинги пайтда мамлакатимизда томчилатиб сугориш усули оммалаштирилаётгани ҳозиргидек иссиқ кунларда асқатяпти, албатта.

Халқимизда саратон ва бу ойда бажариладиган агроюмушлар аҳамияти ҳақида ҳикматлар жуда кўп. Мана, улардан айрилмари: "Саратонгача гўза қаричдан ошса, қуздан хирмон тошадиган", "Саратонда ток сугорса соҳибкор, узуми оғида асал ҳам бекор", "Яхши келса саратон, пиланд эмас қаратон". Ушбу мақоллар замирида узоқ йиллар давомида ўз исботини топиб келаётган ҳаёт ҳақиқатлари мўжассамдир.

Шундай экан, қиш ғами ейилмайдиган, озиқ-овқат экинлар тақдирини ҳал бўладиган шу кунларда фурсатини қўлдан бой бермай, ундан унумли фойдаланиш зарур. Ана шунда саратон ҳам ўз саховатини аямайди.

Саид РАҲМОНОВ,
журналист.

РЕКЛАМА

Хабарнома

«UZAUTO MOTORS» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ Тўғрисида

Ҳурматли акциядорлар!

«UzAuto Motors» АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 20 июндаги баённомасига асосан, жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 14 июль кuni соат 15.00да ўтказилади.

Йиғилиш интернет тармоғида «Электрон овоз бериш — eVOTE» (<http://evote.uz/>) электрон овоз бериш сервиси орқали онлайн ўтказилади.

Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 10 июль ҳолатига тузилади. Реестрга киритилган акциядорлар 2023 йил 14 июлдаги жамият акциядорларининг

навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашади.

Жамият жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 13-уй.

Электрон почта манзили: info@uzautomotors.com

Кун тартиби:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. Жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомиюни янги тахрирда тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қўриб чиқиладиган материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 13-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносига 2023 йил 26 июндан 13 июлгача, иш кунлари соат 10.00 дан 15.00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорлар <http://evote.uz/> интернет сайтининг электрон овоз бериш сервиси орқали йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган

акциядорлар рўйхатига киритилганлиги ҳақида электрон хабар олган вақтдан бошлаб жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорлар сифатида рўйхатдан ўтган деб ҳисобланади.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида электрон овоз бериш сервиси орқали иштирок этиш қоидалари (шартлари) билан <http://evote.uz/> сайтида танишишнгиз мумкин.

Телефонлар: 78-140-55-40
(3-1729#1731#,1732#)

Жамият кузатув кенгаши.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.